

**Маҳаллалардаги ўзгаришлар шунчаки статистика эмас!**

2-с.

**“... камбағалликни шунчаки, кредит бериш билан чеклаб қолмадик”**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№31  
(2359)**

**2026 йил  
15 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

**УЮШМА КУНДАЛИГИ**

### БЎШ БИНО ВА БЎШ ҲУДУДЛАР БЕЗГА МАСКАН БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Қуронбоев ҳамда Бош прокурор ўринбосари Салом Самадов пойтахтнинг маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.



Олаб масъуллар Мирзо Улуғбек туманидаги “**Боғи майдон**” маҳалласига ташриф буюриб, йиғин биносининг ҳолатини кўздан кечирди. Шу ернинг ўзига “еттилик” аъзолари билан очик мулоқот ўтказиб, аҳоли билан ишлаш самардорлигини ошириш, муаммоларни манзилли ҳал этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Ўрганишлар давомида “**Олимлар**” маҳалласидаги каровсиз ҳолга келиб қолган бино ҳам эътибор марказида бўлди. Мазкур ҳудуддан самарали фойдаланиш, хусусан, болалар майдончаси ва замонавий спорт мажмуаси барпо этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Кейинги манзил — “**Баҳор**” маҳалласи бўлди. Узумзор кўчасида жойлашган бўш ер майдонидида аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, стадион қуриш режалаштирилди. Шунингдек, Сўфизода кўчасидаги ташландик ҳудуд ўрнида замонавий амфитеатр барпо этиш ташаббуси билдирилди.

Ўрганишлар якунида мутасадди раҳбарлар раислигида **видеоконференцалоқа тарзида** йиғилиш ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги туман ҳокимлари, соҳавий масъуллар ҳамда 585 нафар маҳалла раислари иштирок этди. Йиғилишда бўш бино ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, ноқонуний қурилмаларни рўйхатга олиш ва спорт инфратузилмасини янада кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

**Бизни ижтимоий тармоқларда қузатинг!**

@mahalla\_raislari

@mahalladosh\_1

@mahalladosh



**ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ**



### МАҲАЛЛА ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА:

### БИР БИНО, ЕТТИ МАСЪУЛ ВА МИНГЛАБ ТАҚДИРЛАР ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Бугун маҳалла не-лоҳотларининг энг қайноқ нуқтасига айланди. Янгилашган бинолар ва замонавий шароитлар замирида битта олми мақсад мужжасам: “**еттилик**” вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши орқали ҳар бир фуқаронинг тақдирини аниқ ўзгартириш...

Рақамлар ва ҳудудлардаги янгиланишлар шундан далolat бермоқдаки, эндиликда маҳалла фақат “маълумотнома берадиган жой” эмас, балки камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни манзилли ташкил этиш маркази сифатида намоён бўляпти. Биргина жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида республика бўйича 45 та янги маҳалла бинolari фойдаланишга топширилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Рақамлар тахлили шуни кўрсатадики, жараён ҳудудларнинг эҳтиёжи ва аҳоли зичлигига мутаносиб равишда олиб борилган. Жумладан, инфратузилма янгиланишида Сурхондарё (12 та), Наманган (11 та) ва Фарғона (10 та) вилоятлари етакчилик қилмоқда. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 5 тадан янги бино аҳоли хизматида топширилди.

### БУГУНГИ СОНДА:

#### Ҳақиқий ҳаёт экран ортида эмас, яқинлар нигоҳида мужжасам!

Энг муҳим “алоқа,” бу — интернет тезлиги ёки “Wi-Fi” сифати билан эмас, балки инсоний меҳр, самимий суҳбат ва қалбдан-қалбга узатиладиган ҳаётини ришта билан ўлчанади.

4-с.

#### Ҳар бир синов, бу — тажриба, ҳар бир мушкулот — сабоқдир

Маҳаллада қисқа муддатли амалий ўқув курсларини ташкил этиш лозим. Энг муҳими, ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш, унинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаб, тўғри йўналтириш доимий мақсадимизга айланмоғи шарт.

5-с.

#### Уй шароитида хизмат кўрсатиш — руҳий барқарорлик гарови

Илгари ижтимоий хизматлар, асосан, махсус муассасалар орқали кўрсатилган бўлса, бугунги кунда инсонни ўз яшаш муҳитида қўллаб-қувватлаш ёндашуви шаклланди.

6-с.

### БИР КУНЛИК ДАБДАБА ИҚТИСОДИЙ ТУТҚУНЛИККА АЙЛАНМАСИН!



7-саҳифа

### Mahalla 365

Жорий йилнинг январь-март ойларида мамлакатимиздаги 8 992 та маҳаллани халқчил ва самарали бошқарув тизимига айлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.



Маҳаллаларда 460 минг нафардан ортиқ ишсиз фуқаронинг 42 фоизи иш билан таъминланиб, 728 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.



Ижтимоий рестрдаги 23,5 мингдан зиёд камбағал оила рўйхатдан чиқарилиб, 312 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудуд сифатида шакллантирилди.



“Еттилик” кўмагида 7 846 нафар назоратдаги шахсларнинг муаммолари ҳал этилди, натижада 7 800 та маҳалла жиноятчиликдан холи бўлди.



“Ташаббусли бюджет” да 3 триллион сўмлик ташаббуслар амалга оширилди.



6 мингдан зиёд оилавий низолар бартараф этилиб, 4 595 та маҳалла оилавий ажралишлардан холи мақомга эга бўлди.



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 15 миллион туп дарaxт экилди.

5-саҳифа


6-саҳифа

7-саҳифа

**Ҳар тўртинчи болада ортиқча вазн ёки семизлик бор...**



**Хотиржамлик ҳар жабҳада ёнимизда кўмакдош борлигидан**



**Бу ҳаётнинг ҳикмати битта — ҳалоллик ва адолат устуворлиги**





**ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ** “энг йирик ислом цивилизацияси музейи” номинацияси бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.



**ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ:** 2025 йилда Андижон вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат ташкилотлари орасида энг ёмон натижа қайд этди.



Туркиянинг Ҳатай вилоятида Ўзбекистон томони иштирокида қурилган “**БУХОРО**” НОМЛИ ЯНГИ МАСЖИД фойдаланишга топширилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

**УЮШМА КУНДАЛИГИ**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” ташкил этилди. Унда Уюшма масъуллари ёшлар билан бевосита мулоқот қилиб, уларни қийнаётган масалалар, таклиф ва ташаббусларни тинглади.

**ОЧИҚ МУЛОҚОТДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР БИЛДИРИЛДИ**

Тадбирда видеоконференцалоқа орқали хорижда таҳсил олаётган талабалар ҳамда меҳнат миграциясидаги ёшлар ҳам фаол иштирок этди. Мулоқот давомида ёшларни илм-фан йўлида қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири экани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, чет элда таҳсил олаётган ёшларнинг ота-оналари билдирган муаммо ва таклифлар мутасадди раҳбарлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Ҳар бир масалага индивидуал ёндашилиб, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.



**Учрашув якунида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларига тезкор ва самарали ечим топиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.**



**ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛанаДИ**

**МАҲАЛЛА ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА: Бир бино, етти масъул ва минглаб тақдирлар туташган манзил**



Давоми. Бошланғич 1-саноқда.

арҳақиқат, “маҳалла еттилиги” фаолиятининг самарадорлиги бевосита иш шариоитига боғлиқ. “Еттилик” вакиллари-нинг бир жойда, замонавий шариоитда фаолият юритиши бюрократик тўсиқларни камайтириб, муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш ва тезкор ечим топиш имкониятини беради.

**Замонавий лойиҳа асосида қурилган бинолар “очиқ эшиклар” тамойилини ифодалайди. Бу эса аҳолининг маҳалла идорасига бўлган ишончини ошириб, фуқароларнинг ўз муаммолари билан эркин муносабат қилишлариغا замин яратди. Идоралар юқори тезликдаги интернет ва замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланиши натижасида давлат хизматларини бевосита маҳалланинг ўзида кўрсатиш имкони кенгайди. Бу аҳолининг вақти ва маблағини тежайди.**

**МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА**

**МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ШУНЧАКИ СТАТИСТИКА ЭМАС!**

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори билан ҳудудларни ривожлантириш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал этишда “маҳалла еттилиги”-нинг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича тизим жорий этилган.

Мазкур тартиб доирасида 2026 йилги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари тасдиқланди.

Унга кўра:

- Ишон ресурси: 5 628 нафар депутат ўз сайлов округларидаги 8 992 та маҳаллага бириктирилди;
- Бевосита мулоқот: 4 095 та маҳаллада “еттилик” билан биргаликда “хонадонбой” ўрганишлар ўтказилди;
- Ишонч майдони: 3 900 дан ортиқ оммавий қабулларда 27 минг нафардан зиёд фуқаронинг дарди тингланди.

Январь-февраль ойларидаги ўрганишлар натижасида аниқланган 5 100 дан ортиқ муаммолар тизимли таҳлил қилинганди, айрим “огриқли нукталар” юзга чиқди:

- аҳолининг ижтимоий муаммолари – 1 749 та;
- коммунал хизмат кўрсатиш, ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида – 2 376 та;
- ҳуқуқбузарлик, жамоат тартиби сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида – 112 та;
- бошқа йўналишларда – 889 та.

Бу тизимнинг энг катта ютуғи — муаммоларнинг 90 фоизи юқори идораларга чиқмасдан, айнан маҳалланинг ўзида ечим топганидир. Бу бюрократияни камайтириш ва халқнинг давлатга бўлган ишончини оширишдаги муҳим қадамдир.

- Аниқ натижалар:**
- 787 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди;
  - 235 нафар кишига тадбиркорлик учун субсидия ва кредитлар ажратилди;
  - 467 нафар муҳтож шахс “ижтимоий дафтарлар”га киритилиб, тизимли ёрдам ола бошлади;
  - 1 371 та инфратузилмавий муаммо (электр, газ, сув, йўл) тўлиқ бартараф этилди.

Сирасини айтганда, мазкур тартиб Ўзбекистонда “маҳаллабай” ишлаш тизимини янги сифат босқичига олиб чиқди. Эндиги вазифа — бу тизимни доимий тақомиллаштириб бориш ва депутатларнинг ҳисобдорлигини янада оширишдан иборат. Чунки халқ депутатта эмас, унинг олиб келган натижасига қараб баҳо беради.

**БУНЁДКОРЛИК**

Сурхондарё вилоятида “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури маҳаллалар ҳаётида туб бурилиш ясапти. Танлаб олинган 30 та маҳаллада инфратузилма янгиланиб, тадбиркорлик ривожланмоқда, аҳоли бандлиги таъминланяпти.

**ОЛИС МАҲАЛЛАГА ШАҲАР МУҲИТИ КИРИБ БОРАДИ**

Дастур доирасида ҳар бир маҳаллага 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши белгилангани ислохотларни тизимли ва манзилли ташкил этиш имконини бермоқда. Бу маблағлар нафақат инфратузилмани яхшилаш, балки аҳолининг кундалик турмуш шариоитини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётир.

Шеробод туманидаги “Дехқонарик” маҳалласи нафақат ўзи, балки атрофдаги “Новбир”, “Ҳақимобод” ва “Гулчинор” маҳаллалари учун ҳам марказ вазифасини ўтайди. Давлат аҳамиятидаги йўл бўйида жойлашган ушбу ҳудудга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” макомининг берилиши унинг ривожланиш имкониятларини янада кенгайтди.

Ҳозир бу ерда мактабга-ча таълим муассасаси, дам олиш масканлари, спорт ва болалар майдончалари, пидеалар ва саломатлик йўлакчалари барпо этилмоқда. Яқин келажакда кичик бозор, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва ҳунармандчилик устaxonалари ташкил этиш режалаштирилган. Айни пайтда 10 километр ички йўл асфальтланди, 3,5 километр электр тармоқлари тортилди. Яқинда сув таъминотини яхшилаш учун насослар ва трансформатор пунктлари ўрнатилди.



Давоми. Бошланғич 1-саноқда.

**Бунёдкорлик ишлари нафақат маҳалланинг ташқи кўринишини, балки одамларнинг руҳиятини ҳам ўзгартирмоқда, — дейди маҳалла раиси Улфат Бозоров. — Йиғинда йўл дейсизми, мактаб ёки боғчами, поликлинника, электр, сув, газ дейсизми, ҳаммасида ўзгариш қилиш учун бирдек ҳаракат кетяпти. Турли ташкилотлар вакиллари бугун жипс бўлиб ишляпти. Бундан ким рухланиди, албатта, шу ердаги одамлар-да! Дарвозадан ҳатлашимиз билан ободликка дуч келиб, шукрона қиялмиз. Маҳалла аҳли ҳам қайфияти тогдек кўтарилиб, ҳашар ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этапти.**

Қисқа вақт ичида “Дехқонарик” маҳалласига шаҳар муҳити кириб боради, у камбағаллик ва ишсизликдан холи, обод ва намунали масканга айланади. Лойиҳалар самарадорлигининг яна бир муҳим жиҳати — турли ташкилотлар вакиллари-нинг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаётганидир. Бу эса маҳаллаларни нафақат инфратузилмавий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам ривожлантиради.

Маҳаллалар инфратузилмаси ҳақида сўз кетганда, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ҳудудлардаги йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишда муҳим молиявий дастакка айланганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, жорий йилнинг 15 март ҳолатига кўра, республика-миздаги 8 992 та маҳалла жамғармасида жами 322,6 миллиард сўм маблағ шаклланди. Эътиборли жиҳати, йил бошидаги 252,8 миллиард сўм қолдиққа қўшимча равишда биринчи чоракнинг дастлабки ойларидаёқ 69,8 миллиард сўм янги тушумлар келиб тушган. Бу жамғармаларнинг нафақат давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, балки ички имкониятлар ҳисобига мунтазам бойиб бораётганини кўрсатади.

Биринчи чорак давомида маблағларнинг 63 миллиард сўми энг долзарб масалаларга — маҳалла аҳлини ўйлантириб келган муаммоларни ечишга йўналтирилди.

Мисол учун, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ички йўллар, ёритиш тизимлари ва коммуникация тармоқларини тиклаш учун 10,5 миллиард сўм ажратилди. Натижада 100 километрдан ортиқ ички йўллар таъмирланди, 12 мингдан зиёд замонавий ва қуёш энергияси билан ишлайдиган чироқлар ўрнатилди. Электр ва газ тармоқларини янгиллаш, оқова сув тизимларини тиклаш орқали минглаб хонадонларда яшаш шариоитлари яхшиланди. Бу рақамлар замирида оддий одамларнинг розилиги, маҳалла аҳлининг турмуш сифати ошиши ётибди.

Бугунги маҳалла — фақатгина маъмурий бино эмас, балки аҳоли муносабатлари тингландиган, ижтимоий масалалар ҳал қилинадиган марказдир. Шу боис маҳалла биналарини қуриш ва жиҳозлашга 34 миллиард сўм йўналтирилди. Бу орқали 19 та маҳалла биноси қурилди, 888 таси мукамил ва жорий таъмирланди. “Маҳалла еттилиги”нинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида 1 000 дан ортиқ компьютер техникаси, планшетлар, кондиционер ва мебель тўпламлари харид қилинди. 313 та маҳаллага 1 761 та кузатув камераси ўрнатилгани “Хавфсиз маҳалла” тамойилининг амалдаги ифодаси бўлди.

Сирасини айтганда, 2026 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилган 45 та маҳалла биноси, янгиланган инфратузилма, бу — мамлакатда инсон кадрини улуғлаш йўлидаги амалий қадамлардир. Айни йўналишдаги соъй-ҳаракатлар орқали нафақат ҳудудлар қиёфаси янгиланяпти, балки жамиятнинг энг кичик бўғинида давлат ва халқ ўртасидаги ишонч кўприги мустаҳкамланмоқда.




Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Янги қонун билан ДАЛА ЧЕТЛАРИДА ЭКИН ЭКМАГАНЛАРГА жарима ва оширилган солиқ қўланади.



1 октябрдан тадбиркорлар жариманинг 50 фоизини бир ой ичида тўласа, ҚОЛГАНИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ.



Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги иссиқхоналарга 1 августдан ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛМАЙДИ.

2026 йил  
15 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №31

3

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

### МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Қўқон шаҳри азал-азалдан хунармандлар, тадбиркорлар юрти, деб эътироф этилади. Айниқса, пичоқчилик, тикувчилик, дўппидўзлик, каштачилик, миллий тўн тикиш сингари қатор йўналишларда ўзига хос тажриба мактаби яратилган.

**“Ишсизман”,  
дейиш  
биз учун  
уят!”**

Хуршидбек ИКРОМОВ,  
Қўқон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги  
маҳалла ҳоким ёрдамчиси.

Биз ҳам “тўнчилар маҳалласи” сифатида танилганмиз. Худудга кирган кишининг баҳри-дили очилади. Бу ерда файзли давра, ёши улуг нуронийларнинг ширин дийдори, меҳнат ва ҳамжиҳатлик самараси мўжассам. Деярли ҳар бир хонадон эгаларининг кўтаринки кайфиятига гувоҳ бўласиз.

Малика Исмагуллаева ана шундай оила бекаси. Бу хонадонга келин бўлиб тушганидан буён болаликда онасидан ўрганган тўн тикиш хунарини давом эттириб келяпти. Бугун 66 ёшни қаршилаганига қарамай, игна, ил орқали барака топяпти. Хунари ортидан уй-жой қурди, тўйлар қилди. Ёшлар билан суҳбатларда меҳнат ортидан кам бўлмаганини тез-тез таъкидлаб туради.

Айни пайтда 5 160 нафар аҳоли истиқомат қилса, минг нафардан ортик хотин-қиз тўнчилик билан шуғулланади. Бир ойда 3 минг донадан кўпроқ маҳсулот сотилади. Ички бозордан ташқари, қўшни давлатларга экспорт қиламиз. Бундан ташқари, тадбиркорликнинг турли йўналишларида янги иш ўринлари яратилляпти. Талабгорларга имтиёзли кредит ажратилляпти. Хонадонлардаги иссиқхоналар сони ортапти.

Сирасини айтганда, Сайхунбод тумани тажрибаси асосида аҳоли даромадларини оширишга эришляпти. Шунинг учун бўш ўтирган одамни топа олмайсиз, “ишсизман”, дейиш биз учун уят, ҳисобланади.



Тўнчилик қарийб бир асрдан бери давом этиб келади. Маҳаллага келин бўлиб тушган ҳар бир аёл, албатта, шу хунарни ўрганади. Жараёнда кўпчилик билан қилинган ишнинг самараси юқори бўлади. Кимдир бичади, кимдир тикади. Шу тарзда касаначилик ривожланыпти.

### ТАШАББУС

**“... КАМБАҒАЛЛИКНИ ШУНЧАКИ,  
КРЕДИТ БЕРИШ БИЛАН  
ЧЕКЛАБ ҚОЛМАДИК”**

Йил бошида “еттилик” ўтказган хатловда 99 нафар ишсиз аниқланган эди. Ҳозиргача уларнинг 39 нафарининг бандлиги таъминланди. Лекин 60 нафари билан ишлаш қийин кечаётгани...



Ақбаржон БОЙМАТОВ,  
Узун туманидаги  
“Қарашик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис – дастури доирасида бошланган хайрли ташаббус бу масалага ечим бўлди. Тадбиркорларга берилган энгилликлар ва молиявий рағбатлар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш самардорлигини оширишга хизмат қилляпти. Бу жараён маҳалламизда ҳам ўз аксини кўрсатяпти.

Худудда 5 минг нафардан ортик аҳоли яшайди. Тахлилларга кўра, уларнинг 30 фоизи давлат идораларида ишлайди. Қолганлар тадбиркорлик ҳамда бошқа даромадли юмуш билан банд. Йил охиригача ишсизликдан холи маҳаллага айланамиз. Чунки юқоридаги дастур асосида 6 қаватли замонавий бино қурилиши бошланди. Бу — нафақат маҳалла чиройига чирой қўшяпти, балки янги иқтисодий имкониятлар эшигини очяпти. Бинода 318 та савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари иш бошлаши натижасида 180 та иш ўрни пайдо бўлади.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш доимий вазифамга айланган. Шу боис унинг сабабларини доимий ўрганиб, шу асосида режали ишляпман. Бунинг натижасида бир неча тадбиркорлик субъектлари ташкил этишга эришдик.

Мисол учун, Музаффар Абдуразоқов “Само” номли автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхона очиб, 8 та янги иш ўрни яратди. Тадбиркорга 225 миллион сўм имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик.

2025 йилда  
Б.Омонов  
кўчасида  
2,5 км. узунликда  
туну кун  
ишлайдиган  
пийдалар  
йўлакчаси ва  
VELO йўлак  
ташкил этилди.  
120 та ёритиш  
ва безакли  
чироқлар  
ўрнатилди.  
Натижада  
40 та янги  
тадбиркорлик  
субъекти  
ишга тушиб,  
80 та янги иш  
ўрни яратилди.

### ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Кулупнай етиштириш аксарият хонадонларда даромад манбаига айланган. Кўпчилик томорқада кулупнай парваришлаб келмоқда. Ҳар ишнинг бир мушлуки бор, деганларидек, шиллик қурт ўсимлик ривожига салбий таъсир этувчи омил ҳисобланади.

## ШИЛЛИҚ ҚУРТ ДАРОМАДНИНГ “ШИРАСИ”НИ ЙЎҚОТАДИ

Шодмон НАМАЗОВ,  
Қишлоқ хўжалигида  
билим ва инновациялар  
миллий маркази  
директори.

Хўш, бу зараркунандадан қандай химояланиш мумкин? Деҳқонлар ўз экинларини сақлаш учун нималарга эътибор бериши лозим? Мутахассисларнинг қайд этишича, шиллик қурт, асосан, кулупнай ва малинани зарарлайди. Бу ҳолат, айниқса, мевалар пишиб етилган вақтда сезилади. Улар ўсимлик баргини, мевани кемириб, шилимшиқ из қолдиргани учун, ҳатто бозорда сотиш учун яроқсиз ҳолга келтиради.

Шиллик қуртларнинг кўпайиши нам иқлим шароити ва суғориш тизимидаги носозликларга боғлиқ. Нам тупроқ ва қалин ўсимлик қоплами яшаш ва кўпайиш учун қўлай муҳит яратди.

Уларга қарши курашишда кулупнайзор атрофидаги тупроққа суперфосфат ёки сундирилган оҳак пурқаш самарали ҳисобланади. Ушбу моддалар зараркунандалар учун ноқўлай муҳит яратди. Суғоришдан кейин тупроқни тез-тез юмшатиш ва қуруқ ҳолда сақлаш керак.

Кечкурунлари қатор ораларига қарам барги, қовун-тарвуз пўчоғи ёки пахта фанер бўлақлари қўйилиб, эрталаб улардаги шиллик қуртларни қўлда йиғиб олиш ва йўқ қилиш мумкин. Зараркунандаларга қарши махсус кимёвий дорилар қўллаш ҳам яхши натижа беради.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## Лавозим бир, бироқ маош икки хил...

Ноила  
ТОШТЕМИРОВА,  
Тошкент шаҳри:

— Мен хусусий корхонада ишляпман. Ҳамкасбим билан бир хил лавозимда фаолият юритамиз. Лекин ойлик маошимиз фарқ қилади. Шу қонунчиликка кўра тўғрими?

Аброрбек ЭЪЗОХОНОВ,  
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Дарҳақиқат, давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар учун алоҳида тартиблар мавжуд. Унга асосан, давлат ташкилотларида ҳар бир лавозим учун ягона иш ҳақи белгиланган. Бир ташкилотда бир хил лавозим бўйича турлича маош белгилашга йўл қўйилмайди. Лекин қўшимча тўловлар боис фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат қонун бузилиши ҳисобланмайди.

Хусусий корхоналарда биров бошқача. Уларда Меҳнат кодексига кўра, иш ҳақи томонларнинг келишуви асосида белгиланади.

Мухим жиҳат — иш берувчи бир хил иш учун турли миқдорда иш ҳақи белгилаши мумкин. Лекин бу — камситишсиз (дискриминациясиз) бўлиши, объектив мезонлар (тажриба, малака, натижа ва бошқалар)га асосланиши керак.



Шиллик қуртларга қарши курашда мажмуавий ёндашув зарур. Механик усулларни профилактик чоралар билан уйғунлаштириш ҳосилни химоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўз вақтида амалга оширилган агротехник ва кимёвий тадбирлар зараркунандалар сонини назорат остида ушлаш имконини беради.

Саҳифани  
“Mahalla”  
муҳбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.



Шавкат Қурбоновнинг асл касби — сартарошлик. Лекин маблағ йўқлиги учун фаолиятини тўлиқ ишга тушира олмади келарди. Унга ҳам ёрдам кўрсатдик. Имтиёзли кредит эвазига тадбиркор замонавий сартарошхонага эга бўлди. Натижада оиланинг 2 нафар ишсиз аъзосининг бандлиги таъминланди.

Бу жараёнда шунчаки кредит бериш билан чекланиб қолмадик. Вазифа ва ваколатим доирасида бўш турган бинода “Остона гиламчи Узун Сурхон” корхонаси ташкил этиш ташаббуси билан чиқдик. Масъуллар қўллаб-қувватлагач, 60 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, йўл бўйидаги уйлари олдидан қисмига замонавий сури-токлар қўрдик. 96 та намунавий уйлар олдидан узумзор қад ростлади. Бунинг учун 1 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Қўшимча даромад топиш деганда, кўз ўнгимизга иссиқхоналар келиши табиий. Бу йўналишда ҳам юқори даромад олувчилар кўп. Сайёра Мирзаева 27 миллион сўм маблағ эвазига 3 сотихли иссиқхона қурди. Ҳозир 1 йилда 3 марта ҳосил олиб, қўшимча даромад топяпти.


Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз чинакам янгилашиллар остонасида турибди.



**МАРКАЗИЙ БАНК:** ўзбекистонликлар орасида пул жамғармайдиганлар улуши 2,4 фоизга ортди.



**Хориждаги ўзбекистонликлар ЭЛЧИХОНА ВА КОНСУЛЛИК ҚАБУЛИГА "my.gov.uz" портали орқали ёзилиши мумкин.**



**МОБИЛЬ ИЛОВАЛАР ОРҚАЛИ** жарималарни кузатиш ва онлайн тўлаш, шахсий кабинет орқали қарорлар устидан шикоят қилиш мумкин бўлади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

**Инсоният тарихида алоқа воситалари ҳеч қачон бугунгидек мукамал, тезкор ва чегарасиз бўлмаган. Бироқ парадокс шундаки, дунёни бир тугма билан боғлаган технологиялар бизни энг яқин инсонларимиздан — оиламиз, фарзандларимиз ва ўзлгимиздан узоқлаштиряпти.**

**Ҳақиқий ҳаёт экран ортида эмас, яқинлар нигоҳида мужассам**

**Алоуддин Ғафоров,** журналист.

**К**ўлимиздаги смартфон, бу — шунчаки қурилма эмас, балки ҳиссий эҳтиёжларимизни жиловлаётган, меҳр ришталарини аёвсиз узаётган ва уйимизни мазмунсиз масканга айлантираётган “кўринмас қафас”дир. Бугунги оиланинг энг огрикли манзарасига боқинг: бир хона, бир дастурхон, аммо ҳар бир аъзо ўз виртуал оламига ғарқ бўлган. Қачондан бери бир-биримизнинг кўзимизга қарашдан кўра, телефоннинг совуқ шишасига тикилиш афзал бўлиб қолди? Қачондан бери суҳбатдан сукут, ота-онанинг жонли ўғитидан “лайк”ларни маъқул кўра бошладик?

**“Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида рақамли қарамлик туфайли ҳар ўн ўсмирдан бири психологик инқирозга юз тутаётгани ўз аксини топган. Президентимизнинг: “Биз учун энг катта хавф бу — ёшларимизнинг онгини ёт ғоялар ва маънавий бузуқликлар эгаллаб олишидир”, деган оғохлантириши нафақат ташқи кучларга, балки бизнинг бефарқлигимиз туфайли телефонлар орқали кириб келаётган “виртуал бўшлиқ”қа ҳам тегишлидир.**

Рақамли қарамлик оддий муаммо эмас, балки миллий ўзлгимизга, оилавий пойдеворимизга таҳдид солаётган маънавий таназзулдир. Унинг гирдобига тушиб қолмаслик учун дастурхон атрофида, фарзандлар даврасида телефонларни нафақат ўчириш, балки қалбларни бир-бирига очиш маданияти зарур. Кўз билан мулоқот қилиш қонунини қайта тиклашимиз шарт. Зеро, оилани мустаҳкамлаш, аввало, уни виртуал занжирлардан халос этишдан бошланади.



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир”.** Афсуски, рақамли қарамлик айнан оиламизнинг руҳини — маънавиятни захарламоқда.

Рақамли қарамлик шунчаки вақт ўғриси эмас, у оилавий ҳаётни ич-ичидан кемираётган “виртуал хиёнат”дир. Экран эр-хотин ўртасидаги самимий дилдан суҳбатлар ўрнини эгаллаб олди. Бир-бирига яқин бўла туриб, экран ортига яшириниш муносабатларнинг энг қашшоқ куриниши, яъни “биргалликдаги ёлғизлик”дир.

Статистик маълумотлар шунни кўрсатадики, оилавий ажрашишларнинг сезиларли қисмига айнан ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш, жуфтига эътиборсизлик ва виртуал дунёдаги сохта ҳаёт сабаб бўлмоқда. Аслида, оиладаги маънавий муҳитни асраш экрандан назарни узиб, ўз яқинининг қалбига қулоқ солишдан бошланади.

Бола тарбиясидаги энг катта инқироз — ота-онанинг жисмонан уйда бўлса-да, руҳан виртуал оламда изғиб юришидир. Бир тасаввур қилинг: мурғак болакай илк чизган расминини ҳаяжон билан олиб келганда, ота ёки она нигоҳини телефондан узмай, юзакни “яши” деб қўйиши бола учун рад этилиш ва севилмаслик билан баробар. Бундай “ҳиссий кўрлик” келажакда фарзандимизда ўзига ва бошқаларга нисбатан ишончсизлиқни шакллантиради.

Унутмайлик, энг муҳим “алоқа” бу — интернет теълиги ёки “Wi-Fi” сифати билан эмас, балки инсоний меҳр, самимий суҳбат ва қалбдан-қалбга узатиладиган ҳаётини ришта билан ўлчанади. Бугун ҳаракат қилинг, телефонингизни четга қўйинг ва фарзандингизнинг нигоҳига боқинг. Чунки ҳақиқий ҳаёт — экран ортида эмас, сизни севадиган инсонларнинг кўзларида мужассам.

**Қалб қўри, кўз нури ва қўл заҳматидан яралган**

**Қўл меҳнати — каштачиликни эъозлаб келаётган фидойи хунармандлардан бири Шаҳноза Сатторова ўн икки йилдан буён сўзаначилик билан шуғулланиб келмоқда.**

**АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР**

**ПИЛЛАЧИЛИК ДАРОМАДНИ ОШИРИБ, ТАЖРИБАНИ БОЙИТАДИ**

**Маҳалламизда ҳаёт жўшқин. Ҳамма ҳаракатда. Айниқса, баҳор келиб, ерга ишлов бериш, то-морқаларга экин экиш ишлари кўтаринки руҳда давом этапти. Бу борада хотин-қизлар ҳам жуда фаол. Опа-сингилларимиз ҳовли ва кўчаларга гул ва райхон кўчатларини қадаб, худудимизнинг ўзгача қиёфа касб этишига муносиб ҳисса қўшяпти.**



**А**йни вақтда уйда ўтирган аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида пиллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қараятимиз. Уйма-уй юриб, хонадон вакилларининг кизиқишини ўрганаймиз. Жорий йилда шу йўналиш бўйича 51 нафар фуқарони ишли қилиш режага киритилган. Худудимизда кўп қаватли уйлар ҳам анчагина. У ерда истиқомат қиладиган хотин-қизларга қўлайлик яратиш мақсадида пилла етиштириш марказини очиш ишлари жадал олиб бориляпти. Айни вақтга қадар 18 нафар аёл кизиқиш билдириб, жараёнга жалб этилди. Бу хотин-қизларга 3-3,5 миллион сўм даромад топиш баробарида бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиш имконини беради.

**Мелихол Абдуллаеванинг пилла етиштириш бўйича йигирма йиллик тажрибаси бор. Шу кунларда икки нафар келини билан бирга 4 қути пилла парваришляпти. Бу машғулот даромад келтиришдан ташқари, асабларни тинчлантиради. Қалбга ўзгача завқ бағишлаб, табиат қувватини ҳис қилишга ёрдам беради.**

Ҳар бир маҳалланинг мақтаса арзилиги ютуқлари билан бирга ўзига яраша муаммо ва ташвишлари ҳам бор. Шу маънода бизни оилавий ажрашишлар масаласи кўп ўйлантиради. Жорий йил бошидан буён мазкур йўналиш бўйича тўртта оила билан манзилли ишлар олиб бориляпти. “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари билан ҳамкорликдаги тадбирлар орқали уларнинг иккитасини муросага келтиришга эришдик. Лекин қалганларида вазият огирроқ. Бир оилада эр-хотин миграцияда юргани боис олти йилдан буён алоҳида-алоҳида яшаган. Ўртада ҳеч қандай илик муносабат қолмаган. Лекин шунга қарамай, орта чекинаётганимиз йўқ.

Уларни яраштириш учун тинимсиз ҳаракат қиляпмиз. Маҳаллада доим иш топилади. Агар “еттилик” ходимлари фидойилик ва бағрикенглик билан меҳнат қилса, ижобий натижалар ҳам шунга яраша бардавом бўлади.



**Саҳифани “Ma'halla” муҳбири Шаҳноза РАҒИМХУҲАЕВА тайёрлади.**

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

**Моҳинур ХАЙРИЕВА. Фарғона вилояти:**

**— Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш учун аёллар қаерга мурожаат қилиши керак? Мазкур тўлов қандай шартлар асосида тайинланади?**

**Мирзоҳид МИРАҲМЕДОВ, Ижтимоий ҳимоя агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси хуқуқшуноси:**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 декабрдаги “Аҳолига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий сугурта жамғармаси тўғрисида”ги низом тасдиқланган.

Унга кўра, ҳомиладор аёлдан ҳеч қандай мурожаат талаб этилмайди. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси “проактив” тарзда, яъни фуқаронинг аризасисиз тайинланади. Нафақа камида 10 ой сугурта стажига эга бўлган расмий меҳнат шартномаси, фуқаролик-хуқуқий шартномаси, ихтиёрий равишда давлат ижтимоий сугуртаси бадалларини тўлаб келаётган аёлларга берилади.

Тиббий муассасаси электрон меҳнатга лаёқатсизлик варақасини расмийлаштиргач, нафақа тайинлаш учун зарур бўлган маълумотлар автоматик равишда Давлат ижтимоий сугуртаси жамғармасига юборилади. Фуқародан қўшимча ҳужжат ёки мурожаат талаб этилмайди.

**НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ**

**Дилдора ҚЎШМУРОДОВА, Шофиркон туманидаги “Калон” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.**

**Ш**офиркон туманидаги “Калон” маҳалласида яшовчи чевар, шунингдек, жойнамоз, келин-куёвлар учун сарполар, яна бошқа турдаги миллий тушамаларни хафсала билан тайёрлаб, вилоятдаги диққатга сазовор меъморий обидалар ёнидаги савдо расталари, ҳатто Хоразм, Самарқанд каби тарихий манзилларга етказиб бермоқда. Эътиборлиси, бугунга келиб Шаҳноза Сатторова атрофида юзга яқин шогирд, тикувчиликка иштиёқманд қизлар жамланган. Улар тайёрлаган маҳсулотларнинг юздан ортиги хонадонда тикилиб, савдога чиқарилмоқда. Тикувчиларга ойлик маош уларнинг тайёрлаган маҳсулотига қараб тўланаётгани хунармандларни янада самарали ишлашга ундамоқда.

Каштадўз билан бирга фаолият юритаётган Норжона Очилова ҳам ўз тажрибаси билан ўртоқлашар экан, каштачилик нафақат хунар, балки қўшимча даромад манбаи эканини таъкидлайди. У яқинда уй-рўзгор юмушларидан ортиб, атиги 10 кун ичида тайёрлаган маҳсулотини 1 миллион 300 минг сўмга сотганидан мамнулигини ҳам яширмади. Ҳозирда унинг қизлари ҳам шу хунарга астойдил қизиқиб, гарчи касб-кори бошқа бўлса-да, уйда бўш пайтларида кашта тикиб, қўшимча даромад топишяётган экан.




**Шаҳноза опа кўп вақтини уйдаги устахонасида, кашталари устида изланишда ўтказишга одатланган. Айниқса, уларга бериладиган ранглар табиий усуллар орқали олинади. Ипак курти ипларидан тайёрланган калавалар пиёз, анор ва ёнғоқ пўстлоқлари қайнатилган сувда бўялади. Бу эса маҳсулотларга нафақат гўзаллик, “узоқ умр”, табиийлик ва қадимий анъаналар руҳини ҳам бағишлайди.**



Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳар йили 70 МИЛЛАРД СЎМ АЖРАТИЛАДИ.



2026/2027-ўқув йилидан бошлаб, хорижий талабаларни ўқишга қабул қилиш “STUDY IN UZBEKISTAN” ПЛАТФОРМАСИ орқали йўлга қўйилади.



Таълимни хорижий тилда олган талабалар учун магистратурада ТИЛ СЕРТИФИКАТИ ТАЛАБИ бекор қилинади.

2026 ЙИЛ  
15 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №31

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



МУЛОҲАЗА

**Боланинг саломатлиги ҳам, ақлий ривожи ҳам, аввало, унинг нима еб-ичишига боғлиқ. Тўғри овқатланиш, бу — шунчаки кундалик одат эмас, бу — келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир.**

## ҲАР ТҮРТИНЧИ БОЛАДА ОРТИҚЧА ВАЗН ЁКИ СЕМИЗЛИК БОР...

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Орият йилнинг 10 апрель кунини Тошкент шаҳрида БМТнинг Болалар жамғармаси — UNICEF ҳамкорлигида мактаб овқатланиши ва соғлом озиқ-овқат муҳитини ривожлантиришга бағишланган илк Миллий экспертлар мулоқоти бўлиб ўтди. Унда мутахассислар, таълим ва тиббиёт соҳаси вакиллари бир жойга жамланди — аниқ муаммолар очик айтилди, мисоллар келтирилди ва энг муҳими, ечим изланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, болаларнинг овқатланиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Чунки мактаб ёшидаги боланинг таомланиш одатлари унинг бутун ҳаётига таъсир қилади. Афсуски, бу борада вазият қониқарли эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар 6 та мактабдан фақат биттасида овқатлантириш хизмати йўлга қўйилган, холос. Қолган мактабларда болалар ким нима топса, шуни истеъмол қилмоқда. Мактаб бунёдларида ёки атрофида шаккар, туз ва ёғ микродоми юқори бўлган маҳсулотлар эркин сотиляпти.

Бу эса ўз-ўзидан жиддий оқибатларга олиб келяпти. Масалан, ўсмирларнинг 25 фоиздан ортиғи ортиқча вазн ёки семизликдан азият чеқмоқда. Бу келажакда юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет каби оғир хасталиклар сони ортishi мумкинлигини аңглатади. Энг ташвишлиси, бу жараён секин-аста оддий ҳолатга айланаб борапти.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

## Ҳар бир синов, бу — тажриба, ҳар бир мушкулот — сабоқдир

Аслида, ҳар қандай касбнинг бошини тутуш осон эмас. Унинг ҳадисини олиш учун йиллар давомида меҳнат қилиш, тажриба орттириш ва сабр билан олдинга интилиш талаб этилади. Устозларимиз билан суҳбатлашганимизда, улар 10-20 йиллик йўллари, дуч келган қийинчиликлари ҳақида гапириб беришди. Ҳар бир ҳикоя ортида синов ва маънавият ётади.

Бугунги ёшлар бутунлай бошқача — эҳсини ўқир, талабчан, изланишга чанқоқ. Уларнинг шижоати кишини қувонтиради. Маҳалламиздаги 27 ёшли Ўткир Ботиров ҳам ана шундай ёшлардан бири. Ўткир оддий оилада улғайган. Болалигидан осон ҳаёт кўрмаган — ўқиш билан бирга турли юмушларда ишлаб, оиласига ёрдам берган. Ҳаётнинг қийинчиликлари уни тўхтатмади, аксинча чиниқтирди. Ҳар бир синов унга тажриба, ҳар бир қийинчилик эса сабоқ бўлди. Бугун эса у қўлқоп ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ёш тадбиркор. Бу жараён ташқаридан оддий кўринса-да, аслида, анча мураккаб. Аввало, сифатли хомашё танланади, кейин махсус усқуналарда қолип асосида қўлқоп шакли берилади. Шундан сўнг маҳсулот тикилади ёки прессланади, сифат назоратидан ўтказилиб, тайёр ҳолга келтирилади. Ҳар бир босқичда аниқлик ва масъулият муҳим ўрин тутлади.



Қосим РАЖАБОВ, Ангор туманидаги “Эски шаҳар” маҳалласи ёшлар етакчиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

**Ситора АБДУРАСУЛОВА.** Навоий вилояти: — Мен 7 ва 8 ёшли қизларимни ўз вақтида мактабга бера олмаган эдим. Энди менга нисбатан қандай ҳуқуқий чора кўрилиши мумкин? Фарзандларимни ёшига мос равишда тегишли синфларга жойлаштириш имкони борми?

**БОЛАНИ ВАҚТИДА МАКТАБГА БЕРМАСА, ЖАВОБГАРЛИК БОРМИ?**

**Илҳом ЭШОНҚУЛОВ,** ҳуқуқшунос, адвокат:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низомнинг 42-бандига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда тиббий хулосага асосан қабул қилинади.

Сиздаги ҳолатда фарзандларни мактабга кечиктириб берганилик факти ҳуқуқий жиҳатдан ота-онанинг болаларни таълимга жалб этиш бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажармаслиқ сифатида баҳоланиши мумкин. Бу ҳолатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига асосан, БҲМнинг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима белгиланиши мумкин.

Шу билан бирга, бундай ҳолатларда асосий мақсад жазо эмас, балки болаларнинг таълим жараёнига тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис фарзандларининг таълим, психологик ҳолати ва таълим тайёргарлиги инобатга олинган ҳолда, уларни тегишли тартибда мактабнинг 1-синфига қабул қилиш масаласи амалга оширилади.

Ҳозирда Ўткир 8 та иш ўрнини яратган бўлиб, шундан 3 таси ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Энг қувонарлиси, у бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас — фаолиятни кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш режалари бор. Бу каби ташаббуслар нафақат бир инсоннинг муваффақияти, балки бутун маҳалла ривожи учун хизмат қилади.

Аммо шу билан бирга, маҳалламизда аниқ бир муаммо ҳам мавжуд. 18-25 ёш оралиғидаги айрим ёшлар орасида ишсизлик кузатишмоқда. Масалан, яқинда 22 ёшли бир йигит билан суҳбатлашдим. У коллежни тамомлаган, лекин касби бўйича ишламаяпти. Сабаби, тажриба йўқ, қаердан бошлашни билмайди. Натижада у бундай вақтинчалик бўлиб қолган бўлиши мумкин. Аммо шу билан бирга, бундай ҳолатларда асосий мақсад жазо эмас, балки болаларнинг таълим жараёнига тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис фарзандларининг таълим, психологик ҳолати ва таълим тайёргарлиги инобатга олинган ҳолда, уларни тегишли тартибда мактабнинг 1-синфига қабул қилиш масаласи амалга оширилади.



Шунингдек, маҳаллада қисқа муддатли амалий ўқув курсларини ташкил этиш лозим. Энг муҳими, ҳар бир ёш билан индивидуал ишлаш, унинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаб, тўғри йўналтириш доимий мақсадимизга айланмоғи шарт.

Муаммонинг илдизига қарасак, бир неча омилини кўраемиз. Биринчидан, мактабларда соғлом овқатланиш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаган. Иккинчидан, болалар учун носоғлом озиқ-овқат муҳити сақланиб қолган — яъни уларнинг танлови кўпинча зарарли маҳсулотларга тўғри келмоқда. Учинчидан, ота-оналар ва ҳатто баъзи ўқитувчилар бу масалага етарлича эътибор қаратмаяпти.

Экспертлар мулоқотида жуда муҳим фикр айтилди: мактаб овқатланишини ривожлантириш, бу — харажат эмас, балки инсон капиталига қаратилган стратегик сармоядир. Яъни бугун болаларга соғлом овқат берсақ, эртага соғлом, билимли ва меҳнатга лаёқатли авлодни кўраемиз. Энди энг асосий савол — нима қилиш керак? Аввало, мактабларда овқатланиш тизимини босқич-ма-босқич эмас, балки аниқ режа асосида тўлиқ жорий этиш керак. Ҳар бир мактабда болалар учун камида бир марта иссиқ ва мувозанатли овқат берилиши шарт. Буни ихтиёрий эмас, мажбурий тартибга ўтказиш лозим.

Иккинчидан, мактаб ҳудудида ва атрофида носоғлом маҳсулотлар савдосини қатъий чеклаш керак. Газли ичимликлар, чипс, ортиқча шаккарли маҳсулотлар ўрнига фойдали ва табиий озиқ-овқатлар, масалан, мева, сут маҳсулотлари, ёнғоқлар тақлиф қилиниши лозим. Бунинг учун аниқ қоидалар ва назорат тизими бўлиши шарт. Шунингдек, бу масалага ота-оналарни жалб қилиш жуда муҳим. Чунки бола фақат мактабда эмас, уйда ҳам овқатланади. Агар уйда ҳам носоғлом одавлар бўлса, мактабдаги ўзгариш етарли самара бермайди. Шу боис аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, оддий ва тушунарли тарзда соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш керак.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

## Энг гўзал туйғулар тасвирларда акс этади

Мусаввир кишининг дунёқараши кенг, тасаввури чексиз бўлиши керак. Чунки санъат — инсон қалбидаги ҳис-туйғулар, ҳаётини воқеалар ва ички оламни ранглар орқали ифодалашдир.

Асила БЕКМУРОВОВА. Ғузур тумани “Ёнқишлоқ” маҳалласи.

Мен учун мўйқаламни қўлимга олганимда бутун олам ўзгаради, гўё бошқа бир дунёга кириб қолгандек бўламан. Тасвир жараёнида кўпроқ табиат манзаралари, маҳаллаимиз ҳаёти, оддий одамларнинг кундалик меҳнати ва болалик хотираларини тасвирлашни ёқтираман. Чунки айнан шу сахналар менга илҳом беради.

Ёшлигимдан мактабдаги расм дарслари менга алоҳида завқ бағишлар эди. Чизган расмларим устозларимнинг эътиборини тортган. “Сенда иқтидор бор, Асила, бу истеъдодни, албатта, ривожлантириш керак,” деган устозим мени турли танловларга ундаган. Ҳатто баъзи ҳолларда ўз ҳисобидан узоқ масофаларга олиб бориб, иштирокимни таъминлаган пайтлари ҳам бўлган. Бу ишонч менинг ижодий йўлимда катта туртки бўлди.

Албатта, бу йўл осон бўлмаган. Кўп марта муваффақиятсизликлар, ички ишончсизлик ва рақобат мени синовдан ўтказган. Аммо ҳар бир қийинчилик мени янада чиниқтирди, ижодга бўлган меҳримни кучайтирди. Ҳозиргача бир неча республика ва хорижий онлайн танловларда иштирок этдим.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Энг қувонарлиси шундаки, менинг ютуқларимдан илҳомланган ҳолда маҳалламиздаги ёшлар ҳам мусаввирликка қизиқа бошлади. Ҳозирда маҳалламиздан 5 нафар ёш расм чизиб тўғарақларига қатнашди, улардан 2 нафари график дизайн йўналишини танлаган, 1 нафари эса акварел ва портрет чизишга қизиқмоқда. Улар орасида 16 ёшли Диёрбек илк бор шаҳар миқёсидаги танловда иштирок этди. Бу эса ижоднинг фақат шахсий эмас, балки жамиятга ҳам таъсир қилаётганини кўрсатади.

Келажакда ўз ижодимни янада кенгайтириб, ийрик халқро кўргазмаларда иштирок этишни мақсад қилганман. Бундан ташқари, болалар ва ёшлар учун бепул расм тўғарақлари очиб, уларни санъатга йўналтириш ниятим бор. Чунки ижод инсонни нафақат гўзалликни кўришга, балки уни яратишга ҳам ўргатади.



Нуфузли хорижий ОТМларда илмий даража олган ўзбекистонликларга уй-жой сотиб олиш учун ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИЛАДИ.



ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.



Ўзбекистондаги МАКТАБЛАРДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР Сони 6 миллион 870,5 минг нафарга етди.

6

Mahalla №31

2026 йил 15 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Илгари ижтимоий хизматлар, асосан, интернат, махсус муассаса ва доимий парвариш уйлари орқали амалга оширилган бўлса, бугунги кунда устувор йўналиш сифатида инсонни ўз яшаш муҳитида қўллаб-қувватлаш ёндашуви шаклланди. Бу ўзгаришлар тасодифий эмас, балки демографик, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсирида юзага келган тизимли эволюция натижасидир.

УЙ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ — РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ



Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий химоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.

Дунё аҳолисининг қариши, яъни кексалар улушининг ортиши, давлатлар олдига янги вазифаларни қўйди. Масалан, Европада 65 ёшдан юқори аҳоли улуши 20 фоиздан ошган бўлиб, бу кўрсаткич йил сайин ўсиб бормоқда. Японияда эса бу рақам 28 фоиздан юқори. Бундай шароитда барча эҳтиёжмандларни интернат муассасаларига жойлаштириш на иқтисодий, на ижтимоий жиҳатдан мақбул ечим ҳисобланмайди. Шу сабабли, 1970-1980 йиллардан бошлаб Скандинавия давлатлари, кейинчалик Германия, Франция ва Японияда уй шароитида хизмат кўрсатиш тизими босқичма-босқич жорий этилди. Мазкур моделнинг асосий ғояси жуда оддий, аммо чуқур маънога эга бўлиб, инсон қаерда яшашни истаса, ўша ерда муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлиши керак. Киши уйда, таниш муҳитда бўлганида ўзини ҳафсиз, эркин ва қадрли ҳис қилади. Бу эса руҳий барқарорлик ва ҳаёт сифати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, уй шароитидаги ижтимоий хизматлар инсон саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Институционал муҳитда у кўп ҳолларда пассив ҳолатга тушиб қолса, уй шароитида ўз ҳаётини маълум даражада мустақил равишда давом эттиради.

Ўзбекистонда ҳам ушбу замонавий ёндашув изчил равишда жорий этилмоқда. Хизмат таркибига кирувчи вазифалар кундалик ҳаёт учун энг зарур бўлган эҳтиёжларни қамраб олади. Овқат тайёрлаш, уйни тозалаш, кийим-кечакларни ювиш каби ишлар инсоннинг асосий маиший эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлса, гигиена тадбирларини амалга ошириш унинг саломатлиги ва шахсий парваришини таъминлайди.

Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларида ҳамроҳлик хизмати орқали фуқароларнинг тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланишига шароит яратилади. Мазкур хизматнинг энг муҳим инновацион жиҳатларидан бири бу — мураббийлик элементидир. Бу йўналиш орқали фуқароларга ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмалари ўргатилади. Шунингдек, онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш, электрон китоблар ўқиш, замонавий гаджетлар билан ишлаш каби кўникмалар шакллантирилади.

Хизматнинг яна бир муҳим хусусияти — унинг манзилли тарзда кўрсатилишидир. Фуқароларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари орқали баҳоланади. Ушбу баҳолаш нати-

жаларига кўра, хизмат ҳажми ва даврийлиги аниқ белгиланади.

Утган йили мазкур йўналиш бўйича жами 17 минг 897 та хизмат кўрсатилгани қайд этилган. Бу кўрсаткич мазкур хизмат турига аҳоли орасида талаб юқори эканини ҳамда тизим амалда фаол ишлаётганини аниқлатади. Хусусан, Янгиқўрғон туманида яшовчи Мақсудахон Бекматова жарроҳлик амалиётидан сўнг мустақил ҳаракатлана олмай, доимий парваришга муҳтож бўлиб қолган эди. Ёлғиз яшаши эса унинг аҳолини янада мураккаблаштирган. Шу сабабли, унга уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам хизмати манзилли тарзда ташкил этилди. Аниқ режа асосида олиб борилган тадбирлардан сўнг аёлнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Натижада, у аста-секин кундалик ҳаракатларни мустақил бажара олиш даражасига ета бошлади. Бу эса уй шароитида кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг инсон тақдирини қандай муҳим аҳамият касб этишини яққол намоён этади.

Янги хизмат модели орқали жамиятда ғамхўрлик, масъулият ва инсон қадрига бўлган ҳурмат янада мустаҳкамланяпти. Энг муҳими, ҳар бир инсон ўз уйида, ўз муҳитида муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўляпти.

Хондонларга бирма-бир кириб, одамлар билан қанча кўп суҳбатлашганим сари айни ҳақиқатни қайта ва қайта тушуниб етаман. Аслида, яшашдан мақсадимиз ҳам шу эмасми? Умр жуда тез ўтиб кетади. Қийналганларга ёрдам қўлини чўзиш билан уни янада мазмунли ўтказган бўламиз.

Бугун маҳалла тизимида ишлаб, атрофимиздаги эҳтиёжманд кишилар билан яқиндан танишяпман. Уларнинг дарду ташвишига ошно тутиниш асосида турфа тақдирларга гувоҳ бўляпман. Ҳақиқатан ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари билан манзилли ишлаш натижасида меҳнатимиз маҳсулини кўряпмиз.

Аваллари “еттилик” ходимлари билан уйма-уй юрганганимизда, уларнинг қарашларидаги ишончсизлик шундоққина сезилиб турарди. Олиб борилаётган ислохотлар ҳамда яратиб берилган имкониятлар самараси ўлароқ, бугун уларнинг тизимга ишончи анча ортган. Идорага келиб, ҳеч иккиланмай ўз муаммоларини гапириб беради. Шу орқали ҳаётини қандайдир ўзгартириш рўй беришига ишонади.

Муниса ШЕРМАТОВА Пискент туманидаги “Култепа” маҳалласи ижтимоий ходими.



Фаолиятимиз давомида имконияти чекланган ҳамда кам таъминланган оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб келяпмиз. Хусусан, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатда турувчи Нуриддин Тўхтабоев ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Биринчи навбатда, унинг оиласи Ижтимоий реестрга киритилди. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйда парвариш хизмати йўлга қўйилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам ажратилди. Фарзандлари учун дарс тайёрлашга қулай шароит яратиш мақсадида стол ва стуллар олиб берилди.

Шунингдек, Нуриддин Тўхтабоев чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда бепул жарроҳлик амалиёти амалга оширилди. Бундай ёрдамлардан кейин фуқаронинг кайфияти анча кўтарилди. Турмуш шароити яхшиланиб, ижтимоий фаоллиги ошди. Албатта, бу ўзгаришлар унинг ақлини, аиникса онаси Насиба Тўхтабоевнинг қувончига қувонч қўшди.

Мен учун кичик натижа ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби, унинг ортида инсонлар тақдирини, қувонч ва шодлиги мўжассам. Шу боис эрга амаллар йўлида ҳамisha ҳаракатдамиз.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ҳам шифо, ҳам сермазмун умр

Кўштепа туманидаги “Соғлом ҳаёт ёғдуси” масъулияти чекланган жамияти руҳий касаллик бўйича диспансер назоратида турувчи, махсус парваришга муҳтож шахслар учун “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини кўрсата бошлади.



Фаррухбек САЙДАЛИЕВ, Ижтимоий химоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси шўъба мудири.

Янги хизмат туридан деменсия, Паркинсон ёки Алцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган шахслар бепул, ўз оиласидан ажралмаган ҳолда фойдаланиши мумкин. Кун давомида марказда уларга тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдамлар кўрсатилади ва кун охирида хизмат олувчилар бепул транспорт воситасида яшаш манзилларига кузатиб қўйилади.

Умуман олганда, вилоятда деменсия, Паркинсон ёки Алцгеймер касаллиги ташхиси қўйилган 1 605 нафар фуқарони янги турдаги ижтимоий хизмат билан қамраб олиш режалаштирилган.



Саҳиба Саҳиба “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

МАНЗАРА

Ҳаётнинг бахтли ва фаровон манзили

Шўрчи туманидаги “Қоқайди” маҳалласига 100 миллион сўм маблағ ажратилиб, ҳудудда янги таянч устунлари ўрнатилди, замонавий ва ҳавфсиз электр тармоқлари тортиш ишлари жадал суръатларида олиб борилмоқда.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Илгари электр таъминотидаги узилишлар айрим хондонлар учун жиддий муаммо келтирган бўлса, эндиликда бу масала босқичма-босқич ўз ечимини толмақда.

Электр, бу — фақат ёруғлик эмас, балки ишлаб чиқаришнинг асоси ҳамдир. Маҳаллада ширинлик тайёрлашга ва тикувчиликка ихтисослашган цехлардаги тадбиркорлар ҳам бундай ўзгаришдан жуда мамнун. Энди улар ишонч билан ҳаракат қилиб, имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда фаолиятини янада ривожлантиришга ҳаракат қилишади.

“Қоқайди” маҳалласидаги бугунги бунёдкорлик ишлари юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.





Ўзбекистонда жорий йилнинг уч ойида “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 40 фоизга ошди.



Тадбиркорларга жарималарни олти ой давомида БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ ИМКОНИЯТИ яратилади.



Якка уй-жой ва кичик бинолар қурилишида ХУСУСИЙ НАЗОРАТ жорий этилади.

2026 йил  
15 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №31

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

### Бу ҳаётнинг ҳикмати битта — ҳалоллик ва адолат устуворлиги

Солиқ инспектори сифатидаги фаолиятимга назар ташласам, бир ҳақиқат равшан бўлади: бугунги солиқчи фақат қонун ижросисига эмас, балки жамиятдаги ишонч мувозанатини сақловчи масъул шахсдир. Мен ҳар бир вазифамда рақамлар ортидаги инсон манфаатини кўришга, ҳар бир ўрганишда адолат ва ҳалоллик мезонига таянишга интиламан.



**Солиқ инспектори сифатида мен бу ҳолатни жазолаш эмас, балки тузатиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш нуқтаи назаридан кўриб чиқдим. Фуқарога ҳисоботларни қайта кўриб чиқиш, фаолиятни тўлиқ қонунийлаштириш ҳамда келгусида барча ўзгаришларни ўз вақтида расмийлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада камчиликлар бартараф этилди ва фаолият тўлиқ қонуний асосга ўтказилди.**

Ҳар бир шундай вазият менга шуни эслатади: солиқ тизимининг кучи жазода эмас, балки тушунтириш, ишонч ва ҳамкорликда намоён бўлади. Фаолиятим давомида кўрсатилган меҳнат ва масъулият учун “Маҳалла ифтихори” кўрак нишони билан тақдирландим. Бу мен учун нафақат шараф, балки янада катта масъулиятдир. Чунки ҳар бир солиқ инспектори ўз маҳалласида адолат, ишонч ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳизмат қилиши лозим.

**Нодирбек АРСЛОНБЕКОВ, Тошкент туманидаги “Нурҳаёт”, “Заргар”, “Хиёбон” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Баян маҳаллаларда ўрганишлар жараёнида турли муаммоларга дуч келамиз. Яқинда бир тадбиркор солиқ имтиёзларидан нотўғри фойдаланаётгани аниқланди. Фуқаро қувватлантириш шохобчасини кенгайтириб, кўшимча ускуналар ўрнатган ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг сезиларли даражада оширган бўлса-да, бу ўзгаришлардан солиқ ташкилотларини хабардор қилмаган. Натижада ер ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар қўлланиши учун зарур шартлар бузилган, ҳисоботларда эса аввалги ҳолат сақланиб қолган. Шунингдек, тушумлар ва ҳисоботдаги даромад ўртасида тафовут мавжуд, айрим ҳолатларда норасмий ҳисоб-китоблар қўлланилган.

Ушбу вазият юзасидан фуқаро билан очиқ ва самимий мулоқот ўтказилди. Унда солиқ имтиёзлари фақат белгиланган тартиб ва шартларга қатъий риоя қилинганда амал қилиши, фаолият кенгайган тақдирда, бу ҳақда давлат ташкилотларини хабардор қилиш мажбурияти мавжудлиги батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, яна бир корхона фаолияти ўрганилганда, 5 нафар ишчининг расмий ҳисоботларда ойлик иш ҳақи миқдори 1 миллион 271 миң сўм сифатида кўрсатилгани, амалда уларга анча юқори миқдорда “конверт” усулида иш ҳақи тўлаб келингани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбарига меҳнат ва солиқ қонунчилиги талаблари тушунтирилди. Натижада ходимлар тўлиқ расмийлаштирилди, иш ҳақи тизими қонуний асосга ўтказилди.

#### МЕНДА САВОЛ БОР...

**Тойир САМАНДАРОВ, Андижон вилояти:**

— **Нотурар бинони ижарага олиб, унда таълим хизматлари кўрсатилди. Бу йўналишда мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёзлар мавжуд. Шу ҳолатда ушбу имтиёзлар бинони бизга ижарага берувчига ҳам татбиқ этиладими?**

**Ижарачига солиқ имтиёзи қўлланадими?**

**Дилшод ЙЎЛДОШЕВ, Андижон вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:**

— Солиқ кодексига мувофиқ, нодавлат таълим ташкилотлари муайян муддатгача аксарият солиқлардан озод этилган. Бироқ ушбу имтиёзларнинг қўлланиш доираси аниқ чегараланган. Қонунчиликка кўра, солиқ имтиёзлари фақат таълим ташкилотининг балансида бўлган ҳамда бевоқиф таълим фаолияти учун фойдаланилаётган объектларга нисбатан татбиқ этилади.

Шундан келиб чиқиб, агар таълим ташкилоти кўчмас мулк объектдан ижара асосида фойдаланса, мазкур объект таълим ташкилотининг балансида ҳисобга олинмайди, мулк ҳуқуқи бошқа шахс — ижарага берувчига тегишли бўлиб қолади, солиқ мажбурияти ҳам айнан мулкдор зиммасида сақланиб қолади.

Шу боис юқорида назарда тутилган мол-мулк ва ер солиғи бўйича имтиёзлар ижарага берувчи шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Улар мазкур солиқларни умумий тартибда ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда давом этади.



**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.**

Психологик нуқтаи назардан бу жараён “present bias” (ҳозирги лаҳзани афзал кўриш) феномени билан изоҳланади. Инсон миёси келажакдаги молиявий қийинчиликларни бугунги кундаги ҳиссий қувончдан кичикроқ, деб идрок этади. Тўғри режалаштириш вақтида юқори эмоционал босим ва “бир марта бўлади” деган факт миянинг мантқиқий ҳисоб-китоб қилиш қисмини чеклаб қўяди. Натижада кредит олиш қарори иродасизлик эмас, балки нейробиологик қонуниятлар таъсиридаги хатоликка айланади, бироқ банк фоизлари бу биологик ҳусусиятларни инобатга олмайдди.

Соҳадаги статистик маълумотлар муаммо алоҳида оила доирасидан чиқиб, умумжамиат миқёсига кўчганини кўрсатмоқда. Марказий банк маълумотларига кўра, 2026 йил бошида фаол кредит шартномалари сони 7,2-7,5 миллионга ташкил этган. Утган йили “Юқалиш” ҳаракати ўтказган сурвонемалар натижасига кўра, респондентларнинг тўртдан бир қисми тўғри харажатларини қоплаш учун кредит олганини ёки олишни режалаштиратганини тасдиқлаган. Иштирокчиларнинг олтидан беш фоиздан ортиғи битта тўғри маросими учун 50 миллиондан 100 миллион сўмгача, ҳатто ундан ҳам кўп маблағ сарфланишини баён этган.

36 ёшли Дилноза опанинг ҳикояси барчамизни ўйлантиради: “Биз тўғри қилмадик, деганимизда аввалгига ҳаммаси оддий тўғри эди. Бола бир марта уйланади, эл қатори қилайлик, дедик. Холларни чақиритиш керак, қўни-қўшинини айтиш керак, қариндош-уруғ норози бўлиб қолмасин, дедик. Одамлар орасида кам бўлиб қолмайлик, деб уйллади. Шу-шу, охири кредит олишга мажбур бўлдик. Ўша пайтда бу қарор ёмон кўринмаган. Ташқаридан қараганда ҳаммаси жойида эди. Лекин тўғри тугагандан кейин ҳаммаси бошқача билинар экан. Меймон бир кунда кетади, қарз эса қолади.

Биз 70 миллион сўм кредит олдик. Ҳар ойда 2 миллион 750 миң сўмдан тўлаймиз. Уч йил — 36 ой. Ҳисобласам, охирида банкка қайтароладиган пулим 99 миллион сўмдан ошиб кетади. Яъни бир кеча тўғри учун 29 миллион сўм фақат фоиз бўлиб чиқди. Ўша пулга боланинг бир неча йиллик таълимини ёки уйнинг таъмирини кетадиган харажатни қоплаш мумкин эди. Ҳар ой тўлов келаверилади. Уй рўзгор бор, болалар бор, кундалик харажат бор. Кредит эса шуларнинг устига яна битта юк бўлиб тушади. Энг алам қиладигани, ўша пайтда керакдек кўринган нарсаларнинг қўпи аслида шарт эмас экан”.

Иқтисодчиларнинг фикрича, бугунги кунда қарздорларнинг орттишига нафақат



эҳтиёж, балки кредитнинг ҳаддан ташқари жозибдор ва “осон” қилиб кўрсатилиши ҳам сабаб бўлмоқда. “Беш дақиқада кредит”, “даромадсиз ҳам берилади” каби реклама шиорлари инсонни манипуляция қилиб, уни маросимнинг ҳақиқий таннариҳини англашдан чалғитади. Психологлар эса бу муаммонинг кенгайишида рақамли маданиятни айблайди.

**Мазкур ижтимоий инқирозни фақатгина ахлоқий насихатлар билан ҳал этиб бўлмайди. Чунки муаммонинг негизда молиявий саводхонликнинг етишмаслиги ётади. Вазиятни соғломлаштириш учун мактаб ўқув дастурларига кредит фоизини, қарз тузоғини ва тўлов жадвалини ҳисоблашни ўргатувчи тизимли молиявий таълимни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, оилаларда тўғри харажатларни оптималлаштириш ва меҳмонлар рўйхатини тартибга солиш имконини берувчи технология платформалардан фойдаланишни оммалаштириш керак.**

Унутмайлик, обрўни бир кунда соғитиб олган билан бир неча ўн миллионлаб қарзни гарданга юклаб қўямиз, холос. Жамият сифатида “эл қатори қилиш”ни улуглаш “эл қатори қарз тўлаш” машаққатли иезага келтиради. Тўғри оғли моҳияти эса икки ёшнинг келажак эмас, балки меҳмонларнинг баҳосига боғланиб қолгани энг катта фожиамиздир. Токи ҳар бир оила маросимнинг ким учун ва нима мақсадда қилинаётгани ҳақидаги саволга оғли равишда жавоб топмас экан, бир кунлик дабдаба йиллар давомида тўланадиган иқтисодий тўқунликка айлана қолаверадир.

#### ТАРТИБ

### Бўш ер учун уч баробар кўпроқ солиқ тўланади

2026 йил 13 апрелда қабул қилинган тегишли қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритилди. Бу ўзгариш, аввало, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.



Қонунга кўра, эндиликда иккиламчи ижарага олган шахслар қишлоқ хўжалиги ерларининг айрим қисмларини, хусусан, каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларни бекор қўйиши мумкин эмас. Агар белгиланган муддатда ушбу жойларга мақбул экин экиш таъминланмаса, бу ҳолат маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни бундай ҳолларда фуқароларга БХМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бундан ташқари, назорат кучайтирилади. Усимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳар йили 1 майгача

қайси ерларда экин экилмагани ҳақидаги маълумотларни солиқ ташкилотларига электрон тарзда тақдим этади. Бу дегани, энди ердан самарасиз фойдаланишни яшириш қийинлашади.

Энг муҳим жиҳатлардан бири — солиқ масаласи. Агар ер участкасининг бир қисмида экин экиш талабига амал қилинмаса, ўша қисми учун ер солиғи одатдагидан 3 баравар кўпроқ ҳисобланади. Бу эса ерни бекор қолдириш иқтисодий жиҳатдан ҳам манфаатсиз бўлишини аниқлатади.

Оддий қилиб айтганда, қонуннинг мақсади — ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш. Чунки ер, бу — бойлик. Уни бекор қолдириш нафақат эгасига, балки бутун жамиятга зарар. Шунинг учун бу қонун орқали ҳам тартиб, ҳам масъулият кучайтирилади.



Суд жарима қўллаш ҳақидаги қарорини бекор қилса ёки ҳақиқий эмас деб топса, УНДИРИЛГАН МАБЛАҒЛАР 15 КУН ИЧИДА ҚАЙТАРИЛАДИ.



2026 йилнинг уч ойида йўл-транспорт ҳодисаларининг 31 ФОИЗИ ЎЛИМ БИЛАН ЯКУНЛАНГАН.



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ Номзодлар турнири ғолибига айланди ва жаҳон шахмат тожи учун баҳслашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

# “МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҶИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

## ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

...Тун. Қишлоқ кўчаларига сукунат чўккан. Уйларнинг чироғи ўчган. Хонадонларда осойишталик ҳукм суряпти. Аммо барча ухлаётган шу паллада ички ишлар ходимлари бедор. Улар учун кун ва тун тушунчаси йўқ. Чунки маҳалла тинчлиги, фуқаролар хавфсизлиги шу инсонлар зиммасида.

## Фидойилик фош этган жиноят



Бахтиёр ТОҒАЕВ, Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати ходими.

Айнан шундай масъулиятли хизмат туфайли Ғаллаорол туманида содир этилган бир қатор ўғирлик жиноятлари қисқа фурсатда фош этилди. Жорий йилнинг 22 январь кунига ўтар кечаси “Бахт” маҳалласида яшовчи 42 ёшли фуқаро мурожаат қилди. Унинг овозида хавотир бор эди. Ҳовлисидаги оғилхонадан қўй ўғирлаб кетилибди. Бир қарашда оддий ҳолатдек туюлган бу воқеа, аслида, бир нечта жиноятлар занжирининг бошланиши бўлиб чиқди.

Мурожаат тушиши билан ходимлар ҳодиса жойига етиб борди. Ҳар бир далил синчиклаб ўрганилди. Тезкор-қилдирув тадбирлари бошланди. Кўп ўтмай, ушбу жиноят ортида ёшлардан иборат гуруҳ тургани аниқланди. Ачинарли жиҳати, унинг аъзолари 2003 ва 2005 йилларда туғилган, ҳаётда ўз йўлини топиши, билим олиб, касб эгаллаши лозим бўлган йигитлар эди. Афсуски, улар тўғри йўлни эмас, осон ва ноқонуний даромад топишни танлаган.

“Самарқанд” маҳалласида яшовчи 2005 йилда туғилган йигит гуруҳга бошчилик қилган. У билан бирга, “Олимплар”, “Аламли” ва Ғафур Фулом номидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи яна 4 нафар ёш тил бириктирган. Тергов жараёни чуқурлашгани сари, янги ҳолатлар очила бошлади. Маълум бўлишича, бу уларнинг илк жинояти эмас экан. Ўтган йили декабрь ойида “Кўкбулоқ” маҳалласидан 2 бош қўйни ўғирлаб, “Сарбазор” маҳалласидаги чойхона эгасига сотиб юборишган. Шу йилнинг 31 январига ўтар кечаси яна бир ноқонуний ҳаракатга қўл уришган. “Олимплар” маҳалласида яшовчи аёлнинг мобил телефон қўрилмасини ўғирлашган. Уни сотиб, зиёфат уюштиришган. Февраль ойи бошида жиноий гуруҳ яна фаоллашди. Хусусан, Чувиллоқ қишлоғидан яна бир бош қўй ўғирлашди. Аммо ички ишлар ходимларининг фидойилиги сабаб жиноят фош этилди. Гуруҳ аъзоларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланди.

Мазкур ҳолат Президентимиз жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тақдими то билан танишиш чоғида белгилаб берган вазифлар нечоғли долзарб эканини яна бир бора тасдиқлайди.




Чиндан ҳам, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича узлуксиз ишлаш тизимини йўлга қўйиш, бунинг учун профилактика инспекторлари, мактаблардаги инспектор-психологлар ва маҳаллалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларни маҳалла даражасида ўзаро боғлайдиган, ёшлар, аёллар ва оилавий муаммоларнинг барвақт олдини олишга хизмат қиладиган яхлит тизим яратиш зарур.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Содиқжон БУЛТУРОВ, Зомин тумани:

— Маълумки, бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш учун ҳудудларда “SOS” ва ташвиш тугмалари ўрнатилган. Уларнинг бир-биридан фарқи нимада?



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Ташвиш тугмаси — хавф туғилганда (босқинчилик, жанжал, ёнғин) қўриқлаш хизмати ёки ички ишлар органларига зудлик билан хабар бериш учун мўлжалланган қўрилмадир. Тугма босилиши билан хабар марказлашган пультага тушади ва махсус гуруҳ ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб келади.

## ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

# АНИҚ ТАҲЛИЛ ВА ТЎҒРИ ЧОРА ЮТУҚЛАРГА ОМИЛ БЎЛЯПТИ

Ҳар бир профилактика инспектори ўз маҳалласида тинчлик ва осойишталикни таъминлашда асосий таянч. Халқ билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини эшитиш ва ҳал этиш орқали ишончни мустаҳкамлаймиз. Ҳар бир хонадонда осойишталик бўлса, бутун юртимиз тинч ва фаровон бўлади.

Шавкат ИБРОҲИМОВ, Пахтакор туманидаги “Сувонобод” маҳалласи профилактика инспектори.



Маҳалладаги муҳит, биринчи навбатда, одамлар кайфиятига таъсир кўрсатади. Ҳудуд жиноятдан холи, осойишта бўлса, аҳоли тинч ва фаровон ҳаёт кечиради. Бунинг учун уларнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини оширишга эътибор қаратаймиз. Бундан ташқари, ҳар пайшанба кунни профилактика тадбирлари, аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этаймиз.

Маълумки, хавфсизликни таъминлашда янги ёндашувларни жорий этиш замон талаби. Бу борада ҳам илғор ҳудудимиз. “Ташвиш тугмалари” ўрнатилган объектлар ва қўриқлаш хизмати назоратидаги уйлар сони кўпайиб борапти. Фуқаролар уй-жой ва мулк дахлсизлигини бизга ишониб топширапти.

Марказий ва ички кўчаларга 12 та кузатув, 3 та юз ва автотрақамни таниб олувчи камера ўрнатилиб, “Қалқон” платформасига уланди. “Менинг инспекторим” платформаси орқали аҳоли профилактика инспектори билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш имконига эга бўлди. Ҳозирда 1 000 нафардан зиёд фуқаро мазкур мобил илова орқали мурожаатларини онлайн тартибда йўллайпти.

Маҳалламизда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, туман бош отинойиси ва хотин-қизлар иштирокида “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш”, “Зуравонлик — тараққиёт кушандаси” мавзӯларида давра суҳбатлар ўтказиш аънана тусини олган.

Эсимда, бундан 5 йил муқаддам хизмат фаолиятимни шу ерда, шу лавозимда бошлаганимда аҳвол яхши эмас эди. Қотиллик, босқинчилик каби жиноятлар қайд этилган эди. Ўтган йиллар давомида туну кун навбатчилик қилиш, тинимсиз меҳнат ҳамда профилактика тарғиботлар, “Маҳалла еттилиги” билан ҳамжиҳатликда ишлаш орқали ҳудуднинг “яшил” тоифага ўтишига муваффақ бўлдим.



Тадбир иштирокчиларига бугунги кунда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг аҳамияти, тўй-маърака маросимларни ихчамлаштириш, оилавий ажралишлар, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, нотинч ва низоли оилалар билан ишлаш, миллий анъаналар ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш орқали таълим-тарбияга эътибор зарурлиги ҳусусида тушунчалар бериб борилапти.

Қўрилаётган чоралар маҳалла осойишталиги учун қилинаётганини ҳар бир фуқаро хис қилиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга дахлдорлик билан қараяпти. Бунинг ўтган йилдан шу кунгача умуман жиноят содир этилмагани мисолида кўриш мумкин. “Маҳалла еттилиги”нинг ҳамжиҳатлиги боис “яшил” тоифадан тушганимиз йўқ. Муҳими, бир жойда тўхтаб қолмаяпмиз. Замон шиддатига мос тарзда жиноятчиликка қарши курашаётишимиз. Хавфсиз муҳит яратиш учун криминоген омилларни илмий-амалий ёндашувлар асосида бартароф этаймиз.



Сахифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

## ТАШВИШ ВА “SOS” ТУГМАЛАРИ ҚАНДАЙ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?



Мақтаблар, бозорлар, банклар ва гавжум жойларда хавфсизликни таъминлаш ва жиноятларни иссиқ изидан очиш мақсадида ўрнатилади. У овозсиз хабар юборади, бу эса жиноятчини оғохлантирмаган ҳолда ҳуқуқ-тартибот органларини чақириш имконини беради.

“SOS” тугмалари асосан, туну кун фаолият юритадиган гастрономик кўчаларга ўрнатилади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ишлаш тартиби ҳар хил. “SOS” тугмалари бир вақтининг ўзида уни ишлатган фуқаро билан видеоалоқа орқали боғланиш имкониятини беради. Яъни, ходимлар бир вақтда ёрдам кучларини юбориб, ўша жойдаги ҳолатни 360 даражали камера ёрдамида кузатиб боришлари мумкин.

